00.15 Комедия "Продукты Розовой папери".
03.20 Лучшие анекдоты из России.

TV-Марказ

Душанба

07.00 "Премьера" (узб)
07.30 09.30 14.00 16.00 17.40
21.00 Ўзбек наволари
08.00 "Премьера" (рус)
08.30 20.30 Мировые хиты
11.00 "Казино Рояль" Х/ф
13.30 "Миссия неповторима"
15.00 Теленина
15.45 "Бэби хитс"
17.00 "Набат" Рашид Холиков билан
18.00 "Премьера" (узб)
18.30 "Кулинар фантазиялар"
19.00 "Премьера" (рус)
19.30 Серил "РОБИН ИЗ ШЕРВУДА" 1-серия
22.00 "С ГЛАЗ ДОЛОЙ, ИЗ ЧАРТА-ВОНГ" Х/ф
23.50 Миксер

Сешанба

07.00 08.10 10.30 14.30 16.00
17.45 18.10 20.00 21.30 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
09.00 Серил "Робин из Шервуда" 1-серия
10.00 "Премьера" (узб)
11.00 "С глаз долой, из чарта-вонг" Х/ф
12.50 14.10 Мировые хиты
13.30 "Юдузги пайшанба"
14.00 Марказ NEWS (рус)
15.00 Теленина
15.45 "Бэби хитс"
17.00 "Топ-20"

18.00 Марказ NEWS (узб)
19.00 Серил "РОБИН ИЗ ШЕРВУДА" 2-серия
21.00 "Великолепная семёрка"
22.00 "ПРОРОК" Х/ф
23.50 Миксер

Чоршанба

07.00 10.30 14.10 17.00 18.40
20.00 21.30 Ўзбек наволари
07.30 "Премьера" (рус)
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 10.00 12.50 16.00 Мировые хиты
08.20 "Набат" Рашид Холиков билан
09.00 Серил "Робин из Шервуда" 2-серия
11.00 "Пророк" Х/ф
14.00 Марказ NEWS (узб)
15.00 Теленина
15.45 "Бэби хитс"
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 "Кулинар фантазиялар"
19.00 Серил "РОБИН ИЗ ШЕРВУДА" 3-серия
21.00 "Миссия неповторима"
22.00 Киноколлекция "СТАРУ-ХИ"
00.00 Миксер

Пайшанба

07.00 10.00 14.30 16.00 18.10
20.20 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 13.00 14.10 17.30 Мировые хиты

09.00 Серил "Робин из Шервуда" 3-серия

11.00 "Старук" Х/ф
14.00 Марказ NEWS (рус)
15.00 Теленина
15.45 "Бэби хитс"
17.00 "Великолепная семёрка"
18.00 Марказ NEWS (узб)
19.00 Серил "РОБИН ИЗ ШЕРВУДА" 4-серия
20.00 "Спецпортж"
21.00 "Юдузги пайшанба"
21.30 "Премьера" (узб)
22.00 "БЕССТРАШНЫЙ" Х/ф
00.00 Миксер

Жума

07.00 10.00 13.00 14.10 16.00
19.40 20.30 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 "Топ-20"
09.00 Серил "Робин из Шервуда" 4-серия
11.00 "Бесстрашный" Х/ф
14.00 Марказ NEWS (узб)
15.00 Теленина
15.45 "Бэби хитс"
17.00 Мировые хиты
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Мировые хиты
19.00 "Сумас ордулар"
20.00 "Лицом к лицу"
21.00 "Кинокурьер"
21.30 "Премьера" (рус)
22.00 "ПРИЗРАЧНЫЙ МЕЧ"
Х/ф
00.00 Миксер

Шанба

07.00 08.10 10.00 14.30 17.30
19.30 21.40 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
09.00 13.00 16.40 18.10
Мировые хиты
09.30 "Кинокурьер"
11.00 "Призрачный меч" худ. фильм
14.00 "Премьера" (узб)
15.00 Теленина
16.20 "Бэби хитс"
17.00 "Судьба-Такдирил"
18.00 Марказ NEWS (рус)
21.00 "Набат Рашид Холиков билан"
22.00 Индийское кино "ИГРОКИ"
00.30 Миксер

Якшанба

07.00 09.40 13.30 17.00 18.10
19.30 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 18.30 21.45 Мировые хиты
09.00 "Сумас ордулар"
11.00 Индийское кино "ИГРОКИ"
15.00 Теленина
16.20 "Бэби хитс"
16.30 "Премьера" (рус)
17.30 "Юдузги пайшанба"
18.00 Марказ NEWS (узб)
21.00 "Топ-20"
22.00 "СОО СПАРТАНЦЕВ" Х/ф
00.20 Миксер

RTR SPORT

Душанба

06.00 Летний выгост. "Токиа в городе"
08.00 10.00 14.15 18.05 21.45 02.15 "Вести-спорт"
08.15 "Летняя спорт". Суперстудия олимпийского футбола
08.45 20.20 01.10 Летняя Универсиада
10.18 "Вести-спорт. Местное время"
10.20 Гребля на байдарках и каноэ. ЧМ. Финалы.
11.35 Профессиональный бокс. Хуан Ласкано (Мексика) - Мануэль Гартоа (Мексика).
13.15 14.20 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА - ФК "Москва" (Москва). 1-20 тайм.
15.25 Летняя Универсиада.
17.00 22.00 "Футбол России"
18.15 Футбол. Суперкубок Испании. "Севилья" - "Реал" (Мадрид).
23.05 "Неделя спорта"
01.40 Дневник летней Универсиады.
02.20 "В том же составе"
02.40 Летний выгост. "Токиа в городе"
04.15 Баскетбол. Товарищеский матч. Мужчины. Литва - Россия.

Сешанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Крылья Советов" (Самара) - "Спартак" (Москва).
08.00 10.20 13.50 18.05 21.55 02.55 "Вести-спорт"
08.10 "Футбол России"
09.15 "Неделя спорта"
10.35 Баскетбол. Суперкубок федерации. Мужчины. Литва - Россия.
12.30 Профессиональный бокс. Джерри Пендикс (Флориданец) - Марселин Мартинес (Панама).
14.00 "Неделя спорта"
15.00 "Рыбка с Радзивишкис"
15.15 "Одни на одне с океаном"
15.55 18.50 Летняя Универсиада.

18.15 "Скоростной уикенд".
19.55 22.15 00.50 Футбол. Лига чемпионов. 3-й квалификационный раунд.
00.15 "Скоростной уикенд".
03.00 Дневник летней Универсиады.
03.30 Баскетбол. Суперкубок федерации. Мужчины. Литва - Россия.
05.25 Стрельба из лука. Кубок мира.

Чоршанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Химки" (Московская область) - "Динамо" (Москва).
08.00 10.00 13.40 17.40 21.55 02.20 "Вести-спорт"
08.10 "Скоростной уикенд".
13.05 "Путь Драйво".
09.00 15.55 Летняя Универсиада.
10.10 13.50 19.55 22.15 00.15 Футбол. Лига чемпионов. 3-й квалификационный раунд.
12.15 03.00 Автоспорт. ЧМ по ралли. "Расти Териньян". Пролог.
12.50 "В том же составе"
13.05 "Путь Драйво".
17.55 Рывок. Кубок Мира. Москва. Финал.
02.25 Дневник летней Универсиады.
03.35 Гребля на байдарках и каноэ. ЧМ. Финалы.
05.10 "Скорая Россия". Максим Чудинов.

Пайшанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Локомотив" (Москва) - "Спартак" (Нальчик).
08.00 10.00 13.40 18.05 21.55 02.55 "Вести-спорт"
08.10 "Путь Драйво".
08.40 15.55 Летняя Универсиада.
10.10 13.50 19.55 22.15 00.50 Футбол. Кубок УЕФА. 2-й квалификационный раунд.
12.35 Профессиональный бокс. Карлес Бельтран (США) - Фьюди Майерлер (США).
18.15 15.15 "Токиа ортган".

18.45 Аэробика. Кубок мира.
03.00 Дневник летней Универсиады.
03.35 Гребля на байдарках и каноэ. ЧМ. Финалы.
05.10 "Летняя спорт". Суперстудия олимпийского футбола.
05.40 "В том же составе".

Жума

05.55 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА - ФК "Москва" (Москва).
08.00 10.00 13.40 18.00 22.55 02.30 "Вести-спорт"
08.10 "Токиа ортган".
08.40 15.55 19.50 03.55 Летняя Универсиада.
10.10 13.45 Футбол. Кубок УЕФА. 2-й квалификационный раунд.
12.35 Профессиональный бокс. Орландо Савино (Мексика) - Роберт Герреро (США).
17.10 "Рыбка с Радзивишкис".
17.25 "Одни на одне с океаном".
18.15 01.25 "Футбол России. Переда туром".
18.45 Аэробика. Кубок мира.
20.45 "Вести-спорт. Местное время".
21.15 Рывок. Кубок мира 1999. Финал. Австралия - Франция.
01.55 Дневник летней Универсиады.
02.35 Профессиональный бокс. Орландо Савино (Мексика) - Роберт Герреро (США).
05.15 "Одни на одне с океаном".

Шанба

05.50 Рывок. Кубок мира 1999. Финал. Австралия - Франция.
08.00 09.35 13.05 18.05 22.30 00.55 "Вести-спорт"
08.10 13.10 00.10 03.30 Летняя Универсиада.
09.45 22.45 "Вести-спорт. Местное время".
09.50 Футбол. ЧМ. Юноши до 17 лет. КНДР - Австралия.

11.35 "Летняя спорт". Мультикадры в Москве.
12.30 "Футбол России. Переда туром".
15.30 Летняя Универсиада. Церемония открытия.
18.20 Футбол. ЧМ. Юноши до 17 лет. Бразилия - Новая Зеландия.
20.20 Футбол. ЧМ. Юноши до 17 лет. Корея - Перу.
22.50 Профессиональный бокс. О'Нил Белл (Ямайка) - Луис Анхеле Домингас (Доминиканская Республика).
01.00 Футбол. Премьер-лига. "Динамо" (Москва) - "Лив-Энжер" (Владивосток).
03.00 Дневник летней Универсиады.

Якшанба

05.50 Футбол. ЧМ. Юноши до 17 лет. Бразилия - Новая Зеландия.
08.00 10.00 12.50 18.50 22.25 03.10 "Вести-спорт"
08.10 Летняя Универсиада. Церемония открытия.
10.10 22.40 "Вести-спорт. Местное время".
10.15 "Страна олимпийцев".
10.45 "Одни на одне с океаном".
11.20 "Скорая Россия". Юри Притухов.
11.55 13.00 22.50 Футбол. ЧМ. Юноши до 17 лет. Италия - Франция. 1-20 тайм.
13.55 16.55 Августор. Мировая серия. Спарта-Финляндия.
14.55 03.20 Футбол. ЧМ. Юноши до 17 лет. Япония - Гаити.
17.55 19.00 Футбол. Премьер-лига. "Спартак" (Москва) - "Кубин" (Краснодар). 1-20 тайм.
20.25 Футбол. Премьер-лига. "Зенит" (Санкт-Петербург) - "Тома" (Томск).
00.35 Футбол. Суперкубок Испании. "Реал" (Мадрид) - "Севилья".
05.25 "Скорая Россия". Юрий Притухов.

ALOQA OLAMIDA

ТЕЛЕФОННИ ЎФИРЛАШ... ФОЙДАСИЗ

Африканинг Гана давлати парламенти мамлакатдаги уяли алоқа операторларининг мобил телефондан фойдаланувчилар ягона реестрини яратиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлади.

Бу билан мобил телефон аппаратлари ўғрикларига барҳам бериш мумкин экан. "Масалан, мабодо Агеева (Гана уяли алоқа компанияси) тармоғида ишлаётган телефон ўғирлаб кетилса, уни бошқа оператор тармоғида ишлаши мумкин эмас", — дея янги қарорни шарҳлайди парламент аъзоси Фредерик Опаре-Ансах. Яна унинг таъкидлашича, қўл телефонини сотишда ҳам аппаратнинг "айнанлиги" таъминланиши лозим.



ИЛК ИНТЕРНЕТ САЙТИГА 16 ЙИЛ

Жаҳондаги биринчи интернет сайти — <http://info.cern.ch/> ишга тушганига 16 йил тўлди.

У Европа ядро тадқиқотлари бўйича кенгаши (Conseil Européen pour la Recherche Nucleaire — CERN)га тегишлидир. 1989 йилнинг март ойида 36 ёшли британиялик олим Тим Бёрнерс-Ли бошлиги Майкл Сендаллга ахборотни бошқариш тизимини тузиш таклифи билан чиқади. Тасдиқ жавобини олгач, у ишга киришиб кетди ва ўша йилнинг 6 август куни "ҳаволалар бўйича исталган ҳужжат билан боғланувчи" тизим — WorldWideWeb (Интернет) лойиҳасини тақдим этди.

САЙЛОВНИНГ ЭСТОНЧА ТИЗИМИ

Эстония парламенти вице-спикери Кристийна Оюланд сайловларда электрон овоз бериш имкониятларини кенгайтириш ниятида.



Унинг фикрича, энди сайловчиларга мобил телефонларидан ҳам фойдаланишга шароит яратиш фурсати етган. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг апрелидан Эстонияда Mobile-ID технологиясига асосланган фойдаланувчининг шахсини тасдиқловчи SIM-карталар амалда қўлланилмоқда.

ИНТЕРНЕТ — «ОСКАР»ГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

"Оскар" мукофоти тақдими билан шуғулланувчи Америка кино санъати академияси АҚШдаги киностудияларни реклама воситаси сифатида почта ўрнига интернетдан фойдаланишга чорлади.



Янги тартибга кўра, энди киностудиялар "Оскар"га номзод филмлари ва уларга доир ҳужжатларни жўнатишда электрон почта каналларидан фойдаланиши лозим. Эски почта хизмати орқали мусикий клиплар, треклар ва кўшиқлардан лавҳалар йўллаш ҳам тақиқланади. Аммо янги қоида истовчиларнинг махсус пароллардан фойдаланган ҳолда интернетдан ўзларини қизиқтирган сценарийларни кўчириб олишларига изн беради.

Янги тартибга кўра, энди киностудиялар "Оскар"га номзод филмлари ва уларга доир ҳужжатларни жўнатишда электрон почта каналларидан фойдаланиши лозим. Эски почта хизмати орқали мусикий клиплар, треклар ва кўшиқлардан лавҳалар йўллаш ҳам тақиқланади. Аммо янги қоида истовчиларнинг махсус пароллардан фойдаланган ҳолда интернетдан ўзларини қизиқтирган сценарийларни кўчириб олишларига изн беради.

ЧЕКИШ ЎРНИГА SMS

Буюк Британияда чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кириши билан SMS-хабарлар жўнатиш миқдори кескин ошиб кетган.

Orange уяли алоқа операторининг маълумотига кўра, чеклов кучга кирган июл ойининг икки ҳафтаси мобайнида матнли хабарлар сони қўшимча 7,5 миллионга кўпайган. Бу даврда жами 520 миллионга SMS жўнатилган. Экспертларнинг тахминларига кўра, чекишга имкон топмаганлар бўш вақтларида шу тарзда ўзларини овуаттганликларини билан бу ҳолатни изоҳлаш мумкин.




INTEL КЕЛАЖАК ҲАҚИДА

iPhone телефонининг пайдо бўлиши уяли алоқа воситалари саноати бозорининг бугунги ривожига ҳақидаги тасаввурларимизни анчагина жонлантирди.



Бу жараёндан четда қолишни истаман Intel компанияси ҳам ўта ҳажмдор ва энергияни тежовчи Tolapai ва Silverthorn процессорларини яратишга жиддий киришган.

Intel президенти Пол Отелнинг сўзларига қараганда, ҳозир биз ишлаб юрган телефон аталмиш қурилмалар яқин келажақда интернетга уланадиган, амалий жиҳатдан компьютерлардан асло қолишмайдиган ажайиб воситаларга айланади. Компания вакиллари тез орада смартфонлар учун процессорлар йиғишга киришишларини ҳам яширишмаган. Бу борадаги ягона муаммо — процессорларнинг электр қуввати сарфловчанлигини камайтириш масаласидир, шунда улар бозорда харидоригр бўлади.



ҚАЛБАКИ НОКИАЛАР

Ҳиндистон полицияси умумий қиймати 40 минг АҚШ долларига тенг 90та қўлбола Nokia телефон аппаратини мусодара қилди.

Телефонлар Калкутта шаҳри яқинидаги омборхоналардан бирида сақланган. Омборхона хўжайини Шайх Жаҳонгир ҳибсга олинган.

Маълумотларга қараганда, қалбаки телефонлар Деҳлида ясалган. Бир қарашда уларни ҳақиқийсидан ажратиш осонмас, нархи эса анчагина арзон.

КИБЕРЖИНОЯТ УЧУН 30 ЙИЛ

Америкалик 27 ёшли спамер (электрон почта орқали ноқонуний реклама тарқатувчи) Кристофер Смит суд томонидан 30 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Смит ўз "бизнеси"ни бир неча йил илгари бошлаган ва миллионлаб гайрияхлоқий мазмундаги ҳамда доривор воситаларга доир рекламаларни тарқатишга улгурган. Шу тариқа унинг спамлар ёрдамида савдо билан шуғулланувчи Xpress Phatmasу фирмаси жами ҳисоблаганда 24 миллион доллардан зиёд мўмай даромад топган.

Смит аввал ҳам кўп бора огоҳлантирилганлиги ҳамда суд жараёнида иштирок этаётган гувоҳларга нисбатан босим ўтказганлиги учун ҳам ана шундай аёвсиз жазоланди.



FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Онадан эрта етим қолган Собир уйдаги барча юмушларни бажаришга мажбур эди. Сув ташиш, қишга ўтин фамлаш, мол боқиш, томорқага экин экиш, сут-қатиқ, пишган мева-чеваларни сотиш, қолаверса, отаси Хотам аканинг дилини оғритмаслик учун ўқинчларни ичига ютиш ёш Собирга оғир эди, албатта.

Ўрта мактабни битирди-ю, ўқишни давом эттирмай, оила учун пул топиш йўлини ахтарди. Колхоз, завод, туман алоқа идораларида ишлаб кўрди.

Харбийдан қайтган Собир-жон ишлаб ўқиш мақсадида почта корхонасига ишга кирди. Сараловчилик, почтачилик, операторлик ишларини кунт билан ўрганди. Катта муҳандис лавозимига кўтарилгунча Тошкент алоқа техникумининг почта бўлимини сиртдан битиришга ҳам улгурди.

Ўзининг тиришқоқлиги, тиниб-тинчимаслиги билан почта ишига меҳр қўйган Собир-жон секин-аста Алоқа вазирлигида почта юкларини ташиш бўлими бошлиғи, темир йўл бошқармаси қошидаги почта-матда (ҳозирги "Халқаро почта-мат") масъул лавозимларда ишлаган даврида почта қондаларининг барча сирларини ўрганишга ҳаракат қилди. Чунки у даврда почта соҳаси бўйича бирорта олий ўқув даргоҳи йўқ эди. Почта ишини яхши биладиганлар ҳам бармоқ билан санарли эди. Собир шундай кишиларни топди, улардан иш ўрганди.

1971 йилдан Ўзбекистон темир йўл бошқармаси қошидаги почта-матга раҳбар бўлган Собир Хотамов зиммасига биринчи навбатда корхонанинг янги биносини қуриш вазифаси тушди. Чунки ўша даврда

Тошкентга келаётган газета, журнал, хат-хабарлар, жўнатмалар (кейин улар Ўзбекистон бўйича тарқатиларди) жой йўқлигидан очиқ ҳавода, гоҳ ёмғир, гоҳ қор тагида қолиб кетар эди. Уларни бус-бутун сақлаш, ўғриликларга йўл қўймамаслик масаласи ҳам дол-

ҳам ечим топди.

Почтачиларнинг юкини енгил қилиш учун кўп қаватли уйлар, катта корхоналар қошида таянч пунктлари очилиб, эрталабдан газета-журналлар тўғридан-тўғри у ерга етказилиб берилди бошланди. Почта-нинг марказий алоқа бўлим-

жалб этилди. Эрта тонгдан ва кечқурунлари уйма-уй газета тарқатиш ишларига талабалар жалб этилди.

Тошкент зилзиласидан кейин бунёд этилган янги тураржой мавзеларида очилаётган алоқа бўлимларида ишлаш учун марказдан қатнаб ишлаш

тирилди. Кейинчалик ижарага олинган автомобиллардан ҳам воз кечилиб, уларнинг ўрнига ўзимизда ишлаб чиқарилаётган «Дамас» машиналари сотиб олинди.

Алоқа соҳасида иш юритувчи банк тизимини очиш масаласи кўтарилганда «Тошкент почта-мат» биринчилардан бўлиб «Алоқабанк»нинг тузилишида ҳомийлик қилди.

Собир Хотамов почтани акциядорлик жамиятига айлантириш, Ўзбекистонда «Почта қонуни» ни қабул қилиш, ўзбек тилида почта қондалари ишлаб чиқариш ишларида фаол иштирок этди.

Билимдон, почта соҳасининг жонқуяр мутахассиси, почта ишининг иқир-чиқирларини ўзлаштирган С.Хотамов кўпчиликка ўрнак бўлди. Унинг шарафли меҳнатлари юксак баҳо-ланиб, бир неча Давлат муко-фотлари ва 1994 йилда Агент-ликнинг «Моҳир алоқачи» ун-вони билан тақдирланди.

Ўн йилдан бери фарзандла-ри, неваралари даврасида кек-салик гаштини сураётган Со-бир Хотамов почта даргоҳини эсдан чиқаргани йўқ. У бир неча йил Алоқа коллежида имтиҳон комиссияси раиси бўлди. Ҳозир ҳам «Матбуот тарқатувчи» ак-циядорлик компанияси кузатув кенгаши аъзоси.

Ўзбек почтаси фидойиси Собир Хотамовнинг шоғирдла-ри бисёр. «Ўзбекистон почта-си» очикциядорлик жамияти бош директори Р.Қосимов, «Тошкент почта-мат» филиали директори Ю.Мирсоатов, «Халқаро почта-мат» филиали ди-ректори Қ.Тулубоев ва бошқа-лар устоз ишини сидқидилдан давом эттиришмоқда.

Яқинда ўзининг 70 ёшини қарши олган Собир акага ўзоқ-умр, сиҳат-саломатлик, фар-занд ва неваралар бахтини кўриб юришини тилаб қоламиз!

Э. ҲАМИДОВ,
«Тошкент почта-мат»
филиали етакчи муҳандиси

Почтамиз дарғаси

зарб муаммо эди. Янги бино битгач, Собир Хотамовга яна бир катта қурилиш — «Тошкент почта-мат» биноси қурилишига бош-қош бўлиш вазифаси топ-ширилди. У 1974 йилдан шу корхонага раҳбар этиб тайин-ланди.

Почтачи, оператор, сара-ловчи, алоқа бўлимлари бош-лиқларининг ойлик маошлари жуда паст эди. Шу сабаб ёшларни бу ишларга жалб қилиш қийин эди. Кундалик газета-журнал, хат-хабарлар билан почтачилар сумкасининг оғирлиги 20-30 кг.гача етар-ди. Почтачилардан кунига уч мартагача хонадонларга чиқиш талаб қилинар эди, яъни эр-талаб газета-журнал, соат 10-11дан кейин пенсия пуллари, тушликдан кейин қолган мат-буот ва кечки газеталарини тарқатиш.

С.Хотамов 1974 йилда Тош-кент халқ хўжалиги институти-нинг иқтисодчилик бўлимига сиртдан ўқишга кирди. Жуда кўп китоблар ўқиди, улардан ўзининг кундалик иш хараё-нида учрайдиган жумбоқларга

ларига жўнатма ва юкларни ортиб-тушириш учун транс-портёрлар, йирик алоқа бўлим-ларига буюртмаларни қабул қилиш учун «Онега» туридаги аппаратлар ўрнатилди.

Ишлар анча енгиллашди, лекин кадрлар масаласи ҳамон раҳбарларни қийнаётди. Почта-мат раҳбари Алоқа вазирлиги қоши-даги қисқа муддатли кадрлар тайёрлаш курсида ҳар йили ёшларни бу ишларга жалб қилиш қийин эди. Кундалик газета-журнал, хат-хабарлар билан почтачилар сумкасининг оғирлиги 20-30 кг.гача етар-ди. Почтачилардан кунига уч мартагача хонадонларга чиқиш талаб қилинар эди, яъни эр-талаб газета-журнал, соат 10-11дан кейин пенсия пуллари, тушликдан кейин қолган мат-буот ва кечки газеталарини тарқатиш.



Фахрийлар эъзозда

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиалининг Учтепа почта алоқаси тармоғига ёш, сергайрат Зулфия ХОЛБЎТАЕВА раҳбарлик қилиб келмоқда. Зулфия 1995 йили корхонага ҳисобчи вазифасига ишга келган эди. Бу ерда ишни яхши ўзлаштириб олгач, уни раҳбарликка тавсия этишди.

Биз почтачилар фаолияти билан янада яқиндан тани-шиш учун Учтепа почта алоқаси тармоғида бўлдик.

— Тармоғимиз Жиззах тумани аҳолисига хизмат кўрсат-ади, — дейди Зулфия Холбўтаева. — Туманда 156 минг киши яшайди. Уларнинг 16 минг 561 нафари пенсионер-лардир. Бир ойда 639 миллион 172 минг 600 сўмлик пенсия пулини, 3 мингга яқин хат-хабар, телеграмма, ҳар хил жўнатмалар, газета ва журналларни ўз вақтида эгаларига етказамиз. Бу ишлар 17та алоқа бўлимизнинг 57 нафар ходими томонидан уйдаланмоқда.

Жамоанинг сидқидилдан қилган меҳнатлари туфайли почта корхонаси 90 миллион 952 минг сўм даромад олди, соф фойда 24 миллион 764 минг сўмни ташкил этди.

Корхона олдига қўйилган вазифаларни уйддалашда "Пах-табод" алоқа бўлими бошлиғи Каҳор Турсунқулов, "Каҳра-мон" алоқа бўлими бошлиғи Иннатулла Назарқосимов, умумий бўлим оператори Лола Холбўтаева, хабарчилардан Х.Жўрабоева, Лола Норматова, Назира Мақсудова, Гулно-ра Эргашеваларнинг муносиб улшулари бор.

Ижтимоий ғимоя йили бўйича корхона ўз дастурини тузган. Дастурга кўра, «Маҳалла» хайрия жамғармасига 250 минг сўм, болалар спортини ривожлантиришга 160 минг сўм, футболни ривожлантиришга ҳар ойда 10 минг сўмдан пул ўтказилапти. Почтада кўп йил ишлаб пенсияга чиққан Мунаввар Мақсудов, Жайнар Жамолов, Неъмат Тошматов каби фахрийларга ҳар байрамда совға-салом берилиб турибди. Елғиз қария Нурия Каримовага тез-тез моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Кам таъминланган хабарчи Анорхон Келдибекова оиласига бепул сигир олиб берилди.

Почта алоқаси тармоғи ёрдами хўжаликка эга. Хўжалик-да 21 қути асалари боқилапти. Асаларичи Рўзимат Асқаров-нинг айтишича, бу йил 200 килограмдан зиёд аса етиш-тириш режалаштирилган. Янги йил арафасида почта ходим-лари арзон нарҳдаги асал билан таъминланади.

Алибой ЭРГАШЕВ
Жиззах вилояти

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Андижон Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал иқтисод ва таҳлил бўлими бошлиғи Мунираҳон СОБИРОВани муборак эллик ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади ва унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайди.

«Қорақалпоқ Телеком» филиали Тахياتош телекоммуникациялар боғламаси жамоаси бош муҳандис ЛЕПЕСОВ Махан Сундетбай ўғлини муборак эллик ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга оилавий бахт ва ишларида омад тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали жамоаси 18-алоқа бўлими бошлиғи Санамжон МАТЖОНОВани 50 ёшга тўлиши ҳамда шаҳар цехи нафақа бўлими оператори Ҳабиба БОБОҚУЛОВани туғилган кунини табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, доимий хушнудлик тилайди.

«Фаргона Телеком» филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари ходимлар Эсонбой ЙЎЛДОШЕВ ва Рустамжон СУЛАЙМОНОВларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан муборакбод этади. Уларга мустаҳкам соғлиқ, ўзоқ умр, хонадонларидан тинчлик-хотиржамлик, файз-барака аримаслигини тилаб қолади.

Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона маркази жамоаси марказ ходимаси Холбиби САИДОВАНИ кутлуг 50 ёши билан табриклайди. Унга ўзоқ ва саодатли умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

MULOHAZA

Уйимизга анчадан бери кўришмаган холам меҳмон бўлиб келди. Иссиқ бағирларидан онамнинг тафтини туйдим. Ўтириб, дуо ўқиб бўлганларидан кейин қўлларидан авайлаб олиб келган бир литрлик банкадаги қаймоқни дастурхонга қўйдилар.

— Уйингга бурилишда бир ёш аёл қатик, сут сотиб юрган экан. Иссиқ патир билан ёйсиз, холажон, ёшингиз улуг экан, мана шу бир банкагина қаймоғим қолган эди. Сизга арзон қилиб бераман, олинг деб қолди. Олиб келавердим, — дедилар.


Қизим пиёлачалар келтирди. Холам қаймоқни қошиқ билан ўзлари қуя бошладилар. Биринчи пиёла ярим бўлмасидан қошиқни ушлаганларича ханг-манг бўлиб қолдилар. Қаймоқнинг қолган қисми ачинқириб қолган қатик эканлиги маълум бўлди.

— Вой аҳмоқгина аёл-а, — дедилар холам ачинганнамо. — Менинг-ку уч минг сўм пулим кетди, ўрни тўлиб кетар. Лекин алдов йўли билан топган пули ўзига буорармикан? Буорганида ҳам яхшилиқ келтирмаслиги аниқлигини наҳотки билмасан?

— Ризқни ҳалол йўл билан топиш кераклиги ҳақида радио, телевизорда гапириляпти. Газеталарда ёзишляпти. Бундайлар тарки одат — амри маҳол деганларидай ўрганиб қолишган-да, — дедим холамдаги хи-жолатлиқни тарқатиш мақсадида. Шу тариқа холам бир ажойиб ривоятни айтиб бердилар.

Қадимда бир солиқ савдогарнинг етти ўғли бўлган экан. Ўғилларининг олти нафари ақли расо, диёнатли бўлиб вояга етишибди. Лекин энг кичиги нимагадир мудом одамларга зиён етказиш пайида юрар экан. Кўшниллар шикоят қилишдан тўхтамас эканлар. Бирини "Ўғлингиз мушукчамни оёқ-қўлини боғлаб сувга отиб юбор-

РИЗҚИМИЗНИ ҲАЛОЛИДАН ТОПАЙЛИК



ди" деса, иккинчиси "Пишган шафтолиларимни девор ошиб, ер билан битта қилиб тўкиб ташлабди", дея йиғлағудай бўлар экан.

Бир куни савдогар ўғлининг нега бу даражада аҳмоқ бўлиб ўсаётгани ҳақида қайғуриб ўтирган экан, кўча эшик тақиллабди. Бориб қараса, маҳалланинг мешкобчиси экан. Елқасига ортилган мешни кўрсатиб:

— Биродар, ўзингиз илмли, эл орасида ҳурматли одамсиз. Сиздан андиша қилиб айтма-

ётган эдим. Шу кичик ўғлингиз неча марталаб орақмдан келиб, бизгиз билан мешимни тешиб қочяпти. Ҳам меҳнатин, ҳам тоза ичимлик сув исроф бўляпти, болаларимнинг ризқи қисқаряпти, дебди.

Солиқ киши уйига кириб, хотинидан битта меш сотиб олишга етадиган пул олиб чиқиб берибди ва мешкобчидан уэр сўрабди. Уйига кирибди-ю, бошини чангаллаганича ўтириб қолибди. Эрининг аҳолини кўрган аёл оҳиста унинг

ёнига келиб ўтирибди ва дебди:

— Ҳаммасига мен айбдорман. Сиздан уэр сўрайман.

— Уэр сўрашингга ҳожат йўқ, — дебди солиқ киши. — Сенинг нима айбинг бор? Ҳамма ўғилларимни бир кўкрақдан эмиздинг, бир хил тарбия беряпсан. Лекин ўзимнинг ҳам хатоимни топа олмапман. Савдода ҳалоллиқни унутмадим, тарозидан урмадим, молимни айбини яширмадим, ҳеч кимни алдамадим. Нима сабабдан бундай жазога гирифтор бўлдим, хайронман.

— Ҳаммасига мен айбдорман, — яна такрорлабди хотин. — Эсингиздами, шаҳар ҳокиминикига меҳмонга борганимиз. Ушанда шу кичик ўғлингизга огироёқ эдим. Йўлакда косадай бўлиб пишган анорларга кўнглим кетиб, эгасидан сўрашга уялганман ва чидай олмай тўғноғичимни тиқиб ялаб, нафсимни қондирган эдим. Мешкобчининг мешини ҳар гал тешаётган бизгиз менинг ўшандаги тўғноғичимдир...

Дарҳақиқат, бу кўхна дунёда ҳар бир босган қадамимиз беиз кетмас экан. Яхшилигимиз ўз мукофотини, ёмонлигимиз эса ўз жазосини олар экан. Буни тарозидан уриб қолувчи сотувчилар, лаҳм гўшт орасига калла суюгини ўраб сотувчи қас-соблар, матосининг сифатсиз жойини бекитиб сотаётган дўкдорлар ва... пул топиш, тирикчилик ўтказиш, шундай ҳам ошиб-тошиб ётган бойлигини янаям кўпайтириш йўлида инсоф деган буюк неъматдан узоқлашиб бораётганларнинг барча-барчаси яхши билсалар, айни муддао бўлар эди.

Зеро, ҳалоллик ва поклик билан умргузорлик қилиб, ҳар икки дунё саодатига етишмоққа не етсин.

Муборак МИРКАМОЛОВА

QANDOLATCHILIK SABOQLARI

"ЗЕБРА" ТОРТИ

Керакли масаллиқлар: 4 дона тухум, 2 пиёла шаклар, 200 грамм сариеғ ёки маргарин, 200 грамм сметана ёки қаймоқ, 2 ошқошиқ ўсимлик ёғи, 1 чойқошиқ (тўлдирмасдан) ичимлик содаси, 2 ошқошиқ қакао кукунни, керагича ун.

Кремига: 1 банка қуюлтирилган сут ва 200 грамм сариеғ.



Тухум ва шакларни оппоқ бўлиб кўпиргунига қадар аралаштиринг. Устига қуймоқ, ёғларни қўшиб яхшилаб кўзганг. Ун ва ичимлик содасини аралаштириб, аталасимон хамир қоринг. Хамирни тенг иккига бўлиб, бир бўлагига қакао кукунини солинг. Торт пишириладиган идишни ёглаб, устидан ун сепинг. Торт қолипига сарғиш рангли хамирдан бир қошиқ солинг. Устидан қакаоли хамирдан бир қошиқ солинг, кейин яна сарғиш хамир ва яна қакаоли ва ҳ.к. Бу тортнинг пиширилишида талаб қилинадиган нарса хамир бир-бирининг устидан қўйилиб бораверади ва атрофга ёйилиб бораётган хамир зебранинг терисини эслатади. Хамир солиб бўлингач, қизиб турган духовкада паст оловда пишириб олинади. Совуғач, тайёр кремдан суртиб, устини безаб дастурхонга тортасиз. Ёқимли иштаҳа!

FOYDALI MASLAHATLAR

МИЛК ЕЙИЛИШИНING ДАВОСИ

1. 100 грамм исирик 100 грамм седана, 100 грамм ёнгоқ барги, ёнгоқнинг ёш новдаси, 50 грамм кон тузи — буларнинг ҳаммасини қўшиб, қайнатилган ёки ёмғир сувда милк қилиб 30 дақиқа қайнатилади. Қайнатма совигач, сузиб олинади. Беш кун 5-6 маҳал шу сувдан оғизни тўлдириб, 15 дақиқа оғизда ушлаб, тўкиб ташланса, милк ейилиши, тиш қонаши, милк шиши каби иллатлар даф бўлади. (Парҳези: қовун, аччиқ, ширин, нордон ва совуқ нарсалар милк тўлик тазалгунга қадар ейилмаслиги шарт).

2. Доимий равишда тиш ва милкларни мисвок билан уч маҳалдан ювиб юрганлар, умрларининг охиригача юқоридаги касалликларга дуч келмайди.

БИРОР ЖОЙИНГИЗ ШИЛИНСА ЁКИ КЕСИЛСА...

Жароҳатни тоза сув билан ювинг. Агар яра ифлосланган бўлса, уни бироз сув тагида тутиб туринг. Сўнг кир қолдиқларини ҳўлланган пахта билан артиб ташланг.

Ярани йод ёки спирт билан артманг: улар жароҳатни кўйдириб, унинг битишини ҳам қийинлаштиради. Бундай пайтда дастурмол, доқа ёки пахта матони жароҳатланган жойга бир неча дақиқа босиб туринг. Одатда, қоннинг босилиши учун шунинг ўзи кифоя.

Агар шилинган ёки кесилган жой чуқур бўлса, унда жгўт ишлатилади. Уни арқондан, чўзинчоқ сочидан ёки камардан ясашингиз мумкин. Жгўт тагинча пахта, доқа ёки тоза дастурмол қўйинг. Жгўтни қўйлак устидан боғласа ҳам бўлади. Лекин жгўтнинг икки соатдан ортиқ боғлаб қўйиш мумкин эмас. Шу билан бирга, ҳар ярим соатда уни ечиб ёки бўшатириб туринг, агар бундай қилинмаса, тўқималар жонсизланиб қолади.

Қон оқиши тўхтаган тақдирда ҳам жароҳатни врачга кўрсатинг.

ALOQACHI LUG'ATI

(Давоми.
Аввали ўтган сонларда.)

Глобаллашув жараёни (ru - процесс глобализации, en - globalization process) — Ягона, умумжаҳон молия-ахборот муҳитининг шаклланиши.

Изоҳ — Глобаллашув биринчи галда янги ахборот технологияларисиз мумкин эмас ва кўпинча инновацион иқтисод деб аталувчига таънади.

Ахборот жараёнлари (ru - процессы информационные, en - information processes) — Ахборотларни яратиш, йиғиш, ишлов бериш, тўplash, сақлаш, қидириш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнлари.

Онлайн ресурси (ru - ресурс онлайнный, en - on-line resource) — Маълумотлар узатиш тармоғига уланган компютер воситасида муайян вақт тартибда фойдалана олишни амалга оширувчи ресурс.

Изоҳ — Онлайн ресурси кўринишида тезкор ахборот ёки дастур орқали диалог тартибда ёки бошқа фойдаланувчилар билан фаолият олиб бориш имконияти берилиши мумкин.

Ахборот ресурслари (ru - ресурсы информационные, en - information resources) —

1. Айрим ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг алоҳида тўплами, ахборот тизимлари (кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банки, бошқа ахборот тизимлари)даги ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўплами.

2. Умумий фойдаланишдаги алоҳа тармоғи бошқарув тизимини ёки фойдаланувчиларнинг ахборотини ўз ичига олувчи, сақланадиган (фаолият юритиш жараёнларини таъминлаш учун фойдаланиладиган), ишлов бериладиган ва узатиладиган маълумотлар мажмуи.

3. Жамият интеллектуал фаолиятининг маҳсулоти сифатидаги ахборот мажмуи.

Жамиятнинг ахборот муҳити (ru - среда общества информационная, en - society information environment (sphere)) — Ахборот ресурслари, ахборотларни шакллантириш, тарқатиш ва фойдаланиш тизимлари, ахборот инфратузилмасининг мажмуи.

Ахборот ресурслари ахборот-коммуникация инфратузилмалари, ахборотлаштириш воситалари, ахборот маҳсулотлари ва ахборотлаштириш хизматлари, аҳоли турмуш сифатини сезиларли равишда оширишга, давлатнинг ижтимоий-сиёсий турғунлиги ва жамиятнинг барқарор ривожланишига ўтишини таъминлаш имконини берувчи ахборотлаштириш жараёнларини амалга оширишнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитлар мажмуи.

(Давоми бор.)



ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР ҚАТОРИДА

Сингапурда 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилаётган Жаҳон шахмат олимпиадасида ўттиздан зиёд мамлакат вакиллари қаторида ҳамюртларимиз ҳам ғолиблик учун донна сурмоқда.

Ўзбекистонлик шахмат усталари мусобақанинг бешинчи турида Австралия терма жамоасининг биринчи таркиби билан куч синашди. Учрашув 2:2 ҳисоби билан якунланди.

Филиппин терма жамоасига қарши ўтказилган олтинчи турда вакилларимиз имкониятни бой берди — 2,5:1,5. Етинчи турда ҳамюртларимиз Эрон терма жамоасини 3:1 ҳисобида доғда қолдирди. Олимпиадада шахматчиларимиз Хиндистон ва филиппинлик тенгқурларидан сўнг учинчи ўринни эгаллаб турибди.

ОСИЁНИНГ РАМЗИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ

Яқинда Таиланд, Малайзия, Ветнам ва Индонезияда футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионатининг рамзий терма жамоаси эълон қилинди.



Ун бир нафар футболчи орасидан мусобақанинг чорак финалигача етиб борган Ўзбекистон миллий терма жамоаси вакиллари — Денисов ва Сервер Желаровлар қитъамизнинг энг кучли футболчилари қаторидан жой олди.

Ҳамюртларимиздан ташқари, Осиё чемпионатининг рамзий терма жамоасига Жанубий Корея жамоаси дарвозабони Ли Вун Жай, унинг ҳамюрти Беом Сеук, япониялик футболчилар — Южи Наказава, Шунсуки Накамура, ироқлик Нашат Акрам, Яссим Фулом, Юнус Махмуд ҳамда Саудия Арабистони шарафини ҳимоя қилган ҳужумчилар — Малик Мааз ва Есир ал-Қоҳтаний киритилди.



ЧАГАЕВ — ИБРАГИМОВ: ЖАНГ ҚОЛДИРИЛДИ

Шу йилнинг 13 октябр кунига режалаштирилган WBA ва WBO камарлари соҳиблари ўртасидаги жанг ўтказилмайди. Бунга Руслан Чагаевнинг бетоб бўлиб қолганлиги сабаб бўлди.

— Агар Ибрагимов мен билан жанг ўтказишга тайёр турса, мен бажонидил у билан учрашаман, — деган Чагаев. — Келишувимизнинг бузилганидан жуда хафаман, бу жангга кўп умидларимни боғлаган эдим. Бироқ, афсуски, касаллик барча режаларимни бузиб юборди. Бу жанг жуда масъулиятли эканини ҳисобга олиб, бугунги аҳолида рингга кўтарилмасликка қарор қилдим. Гепатит билан ҳазиллашиб бўлмайди. Соғлигимни тиклашим билан Ибрагимовдан қарзимни узаман.

Маълумотларга кўра, WBA ташкилоти Чагаев соғайгунга қадар унинг камарига даъвогар боксчини аниқлаш мақсадида "тўртлик турнири" ўтказди. Рейтингда 1-4-ўринларни эгаллаб турган Николай Валуев, Сергей Ляхович, Жон Руиз ва украинлик Тарас Биденколар ўртасидаги баҳсларда Русланинг рақиби аниқланади. Агар ушбу боксчиларнинг бирортаси турнирда иштирок эта олмаса рейтингда бешинчи погонани эгаллаб турган америкалик Дэваррил Вильямсон бу ўринни эгаллайди.



ДАСТЛАБКИ ДОВОН — ХИТОЙ ТАЙПЕЙИ

Осиё футбол конфедерацияси штаб-квартирасида Жаҳон Чемпионати - 2010 саралашининг биринчи босқичига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Унга кўра Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки босқичда Хитой Тайпейи терма жамоаси билан куч синашадиган бўлди.

Дастлабки учрашув 8 октябр кuni Ўзбекистонда бўлиб ўтса, жавоб ўйини 28 октябр кuni сафарда ўтказилади.

Ҳозирданок ушбу учрашув юзасидан мураббийларимизда муаммо пайдо бўлган. Сабаби, белгиланган саналар ФИФАнинг расмий тақвимига тўғри келмайди. Натижада легионер ўйинчиларимизни терма жамоага жалб қилишда муаммолар юзага келади. Шунинг учун бу саналар федерациямиз раҳбарияти талаби билан ўзгартирилиши ҳам мумкин.

УЧИНЧИ ТУР БАҲСЛАРИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши кубоги учун мини-футбол бўйича Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий мусобақасининг учинчи тур учрашувлари ўтказилди.

"А" гуруҳи

ТАТУ — ҲЗТБРМ — +: —
ДАИ — ФТМТМ — 3:5
Матбуот тарқатувчи — Алоқабанк — 1:15
ДАИ — ҲЗТБРМ жамоалари ўртасидаги ўйинга ишлаб чиқаришдаги сабабларга кўра кела олмаганлиги сабабли ҲЗТБРМ жамоасига техник мағлубият ёзилди.

"В" гуруҳи

ШАК — Мониторинг маркази — 12:2
ТошТТС — Ўзбекистон почтаси — 7:4
РРТМ — ЭМММ — 5:8

"С" гуруҳи

Тошкент почтамати — Алоқа коллежи — 7:8
ЎЗНЕТ — ДФХ — 2:11
ТШТТ — ЮНИТЕЛ — 4:8

Учинчи тур ўйинларидан сўнг, "А" гуруҳида 9тадан очко тўплаган ТАТУ ва ФТМТМ жамоалари финал босқичига чиқиш учун яқин туришибди. "В" гуруҳидаги вазият ҳам шундай: ШАК ва ТошТТС жамоалари 9тадан очкога эга. "С" гуруҳидаги вазият анча чигал кўриниш олган: ТШТТ, ЮНИТЕЛ, Алоқа коллежи ва ДФХ жамоалари ҳисобида бир хил — 6 очкодан бор.

Эслатиб ўтамик, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа финал босқичига йўл олади.

Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази жамоаси марказ катта диспетчери **Любовь БЕРЕДНЯЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси «Касбий педагогика» кафедраси катта ўқитувчиси **Мавлуда АБИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр КУБЕЕВ

Шомансур ОБИДХҲҲЖАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Шухрат СОДИҚОВ

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Асаджон ХҲҲЖАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган кўлзма ва суратлар эълоғига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

753-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табак.
Алади: 7881 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БҲҲРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

MUSTAQILLIK ODIMLARI



Хар бир кун, хар бир соат бизни энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги санаси томон тобора яқинлаштирмоқда. Истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимиз, юртдошларимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришларни таърифлашга сўз ожиз. Узоққа бормай, биргина жаҳон телекоммуникация соҳасининг ютуғи ҳисобланган уяли алоқа хизматининг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишини олайлик. Хорижлик ҳамкорлар билан юртимиз ишбилармонларининг олиб бораётган изланишлари боис, бугунги кунда уяли алоқа хизматидан фойдаланиш ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. Йирик шаҳарлардан тортиб, олис қишлоқлар оша ҳам уяли алоқа компанияларининг база станциялари ишлаб турибди.



«ЎЗДУНРОБИТА»:

Бир вақтлар давримизнинг ютуғи саналган бу тизим ҳақида гапириш эртақдай туюларди.

Мустақиллигимиз тугайли эртақ ҳақиқатга айланди — хорижнинг йирик компаниялари ўз ваколатхоналарини очиб, ўзларига муносиб шерик топдилар. Шулардан бири — «Ўздунробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонасидир. Республикамиз вилоятларида корхона филиаллари фаолият бошлаши билан Қашқадарёда ҳам унинг филиали ва бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бизда байрамларга тўёна тайёрлаш анъанага айланган. «Ўздунробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонасининг Шахрисабз филиали жамоаси ҳам яқинда ўзининг мослаштирилган биносига эга бўлди. Кенг ва ёруғ, замонавий усулда барпо этилган бино пойтахтлик қўли гул қурувчилар томонидан қайта капитал реконструкция қилиниб, алоқачилар ҳамда мижозлар ихтиёрига топширилди.

Шу ўринда филиал ҳақида икки оғиз сўз: корхонанинг Шахрисабз бўлими база станцияси 1998 йилнинг 7 ноябрида ишга туширилган бўлиб, 1998 йилнинг 7 декабрида, яъни орадан бир ой ўтиб, бўлим офиси иш бошлади. 2000 йил январ ойидан буён филиал сифатида фаолият кўрсатмоқда. Филиал айна дамда вилоятнинг бешта тумани аҳолисига уяли алоқа хизматини кўрсатиб келмоқда. Битта коммутация станцияси ва 37та база станциясига эга филиалнинг база станциялари мустақиллик байрамига қадар яна 19тага кўпаяди. Китоб туманининг Макрид, Варганза, Қайнар қишлоқларида, Шахрисабз-

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ЭРТАҚ

нинг Мироқи, Дукчи, шунингдек, Яккабоғ ҳудудига ҳам уларни кўпайтириш борасида изланишлар олиб борилаётган бўлса, Деҳқонobod туманида база станцияларини қуриш ишлари кетяпти.

«Ўздунробита» корхонаси Шахрисабз филиа-

тахсинга лойиқ.

Шахрисабз — вилоятдаги иккинчи йирик шаҳар. Қўшни Китоб тумани билан Қарши ораллигидаги масофа ҳам анчагина. Буни ўз вақтида тўғри англаган Камол Ҳайтов вилоятнинг Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Қамаш туман-



Филиал айна дамда вилоятнинг бешта тумани аҳолисига уяли алоқа хизматини кўрсатиб келмоқда. Битта коммутация станцияси ва 37та база станциясига эга филиалнинг база станциялари мустақиллик байрамига қадар яна 19тага кўпаяди.

лининг бошқа филиаллар орасида барча кўрсаткичлар бўйича етакчилик қилишида филиал раҳбари Камол Ҳайтовнинг саяё-ҳаракати ва меҳнати

лари аҳолисига кўрсатилаётган уяли алоқа хизматини янада юксалтириш ниятида.

Филиал бир неча йил Китоб туман марказидаги

маданият саройида фаолият кўрсатди. Хизмат кўрсатиш ҳажми ва қўламини йил сайин ошиб бориши билан собиқ «Савдогарбанк» туман бўлими биноси филиал учун офис биного мос деб топилди. Иншоотни қайта капитал реконструкция қилиш учун 320 млн. сўмлик маблағ сарфланди. Барча хоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, филиал ўз биносига эга бўлди. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир киши яратилган қулайликларни кўриб лол қолиши шубҳа-

сиз. Бу эса, ўз навбатида, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми, иш қўламининг ошишига ҳамда мижозлар сонининг кўпайишига замин яратади.

Яқинда мазкур бинонинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги алоқа корхоналарининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, ишлаб чиқариш илғорлари, «Ўздунробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонасидан вакиллар ҳамда компаниянинг доимий мижозлари тақлиф этилди. Маросимда сўз олган вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев йиғилганларни самимий қутлар экан, иншоотнинг замон талабларига мос ва хослиги, вилоятда корхона филиалининг ўз ўрни ва салоҳиятига эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Йиғилганлар бу ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишгач, миллий удумларимизга кўра Қуръон оятларидан тиловат қилиниб, кўзланган мақсадлар ижобат бўлишини тилаб дуога қўл очдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



ЖАҲОН АХБОРОТ МАЙДОНИ САРИ

Соҳага етарли миқдорда сармоя киритиш, хизмат кўрсатишдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш, янги ва устувор лойиҳаларни молиялаштириш долзарб ишлардан биридир. Мана ўн йилдирки, бу муҳим вазифа Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошида ташкил этилган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан синчковлик билан бажарилмоқда.

